

СОЛАНИН МОДДАСИННИГ ВАРИКОЗ КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАШДАГИ ХУСУСИЯТЛАРИ

ГЕОЛОГИЯ ФАНЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
Онорбоев Н. Ш. — Геология факултети 1-курс талабаси

Ишнинг мақсади: Соланин моддасидан фойдаланиб, янги дори воситасини тайёрлаш ва варикоз касаллигини жарроҳлик усулисиз даволашни яна бир усулини тадқиқ қилиш.

Муаммонинг долзарблиги: Деярли ҳаммамиз варикоз касаллиги нималигини жуда яхши биламиш. Бу «ўргимчак тўри» оёқларимизда, қўлларимизда, баъзида умуман хаёлимизга келтирмаган бошқа бирор жойда пайдо бўлиши мумкин. Халқ тиббиёти қадим замонлардан бери, варикоз касаллигини даволаш учун бир неча воситалар яратган. Бу муолажа бемор аҳволини енгиллаштириши мумкин, лекин ҳасталиқдан бутунлай қутқара олмайди. Фақат жарроҳлик усули бунга қодир. Ҳа, бугунги куннинг замонавий фикрловчи одамлари ҳаммаси айнан шу фикрдалар. Аммо, ҳар қандай касалликни ҳам жарроҳлик усулисиз, тиф ишлатмасдан даволаш ҳам мумкинлигини сўнги пайтларда унутиб қўйяпмиз. Ахир, қадимда табобатда жарроҳлик ривожланмаган бўлса ҳам, кўпчилик касалларни ҳар хил ўсимлик, маъдан ва бошқа усуllар билан ҳам даволашганку. Ўрганишларимиз давомида айнан шулардан бирини қўлга киритдик.

Тадқиқот натижалари: Биз айнан шулардан бири, организм учун фойдали, шу билан бирга табиий заҳар бўлган модда соланинни ўргандик. Қадимда ушбу моддадан уруш вақтида табиий заҳар сифатида қўллашган. Аммо, ҳозирги мавзуумиз унинг заҳарли хусусиятини очиб бериш эмас, балки унинг фойдали жиҳатларини ўрганиш давомида орттирган натижаларимизни сиз билан бўлишишдир. Кўпчиликка маълумки, соланин гликоалкалойидлар гурӯҳига мансуб бўлиб, ўрганишимиз давомида унинг ажойиб хусусиятларига дуч келдик. Тажрибаларимизда қўлимида соланин моддасининг ўзи бўлмаганлиги сабабли, унинг табиатдаги табиий манбаси помидор, аникрофи кўк помидордан фойдаландик. Айнан соланин моддаси юқорида айтганимиз гликоалколоид бўлгани учун терини куйдириш хусусиятининг мавжудлиги, соланиннинг даволовчи хусусиятини очишимизга туртки бўлди. Айнан унинг ушбу хусусиятидан фойдаланиб терининг юза қисмига чиқсан қон томирлари – варикоз вақтида ҳосил бўлган “ўргимчак тўри” га қўллаб жудаям ажойиб натижалар олишга эришдик. Юқорида айтганимиздай тажрибаларимизда пишмаган помидордан фойдаланган бўлсакда, натижалар яхши чиқди. Тажрибалар давомида унинг яна бир хусусияти - кенгайиб тери юзасига чиқиб

қолган қон-томирларини торайтириб, қайтадан тери ичкарисига қайтариши бизга қўл келди. Бунда помидорни 2-3 бўлакга ажратиб, беморнинг болдири орқа соҳасининг тери юзасига чиққан томирлар устига боғладик. Боғич боғлашни беш дақиқа давомида, кунига икки маҳалдан ўтказиб бордик. Унинг фойдасини bemорда ўн кунда билинаётганини кўрдик. Агарда табиий маҳсулотдан фойдаланмасдан, соланиннинг ўзидан фойдаланганимизда эди, ишимизнинг унумини янайм олдинроқ сезган бўлар эдик. Устозим билан яна тажрибалар ўтказиб, соланиннинг бунданда ажойиб хусусиятларини очиш устида турибмиз.

Хулоса: Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ушбу касаллик мавжуд bemорларни даволашда табиий усулларни қўллашимиз, соланин моддасидан фойдаланиб, янги препарат тайёрлашимиз, бу варикоз касаллигига қарши курашишнинг самарали усули бўлиб хизмат қилган бўлар эди.

Адабиётлар:

1. Алекперова Т.В. Амбулаторная флебологическая практика: диагностические новации // Амбулаторная хирургия. Стационарзамещающие технологии 2016. - № 4 (20) - С. 5–15.
2. Белов Ю.В. Руководство по сосудистой хирургии с атласом оперативной техники 2-е издание. Издательство МИА, 2011 г. 464с.
3. Богачев В.Ю. Фармакотерапия хронической венозной недостаточности нижних конечностей / В.Ю. Богачев // Хирургия Consilium Medicum. 2019. - №1. - С. 22–26.
4. Богачев В.Ю. Хронические заболевания вен нижних конечностей: современный взгляд на патогенез, лечение и профилактику / В.Ю. Богачев, И.А.Золотухин, А.Н.Кузнецов // Флеболимфология — 2018. Том 2, №1. – С. 43–50. ,
5. Бурлева Е.П., Бурлева Н.А. Российская обсервационная программа СПЕКТР: анализ возрастной структуры пациентов с хроническими заболеваниями вен. Ангиология и сосудистая хирургия. 2013;19:67-73.
6. Бурлева Е.П., Тюрин С.А., Смирнов О.А., Фасхиев Р.Р. Сравнительные трехлетние результаты флебэктомии и термоабляции при варикозной болезни нижних конечностей. Ангиология и сосудистая хирургия. 2018;24(2):82-91.
7. Ткаченко, Б. И. Венозное кровообращение / Б. И. Ткаченко. – Л. : Медицина, 1979
8. Бухарин А.Н. Первый опыт применения эндовазальной лазерной коагуляции в лечении пациентов с варикозной болезнью на базе общехирургического отделения / Бухарин А.Н., Мамедов С.А., Сапонюк А.И., Сапелкин С.В. // Флеболимфология. IV конференция Ассоциации флебологов России. – Москва. – 2016.-134 с.
9. Вахратьян П.Е. Результаты комплексного лечения больных варикозной болезнью нижних конечностей // П.Е. Вахратьян, , Е.А. Ким // Ангиология и сосудистая хирургия. 2013. - Т. 14, №4. - С. 93–96.
10. Насонова Л.Н. Рецепты до востребования. // «Будь здоров!». 2011. №2. С. 64-69
11. Меньшикова, Е. Б. Окислительный стресс. Прооксиданты и антиоксиданты / Е. Б. Меньшикова, В. З. Ланкин, Н. К. Зенков [и др.]. – М. : 2006.